

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Х У К М

Protected by PDF Anti-Copy Free

2019 йил август ойининг 1-куни жиноят ишлари бўйича Бўз туман суди, Андижон шаҳар [REDACTED] биносида, очик сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи судья Х.Камолов, А.Абдурайимовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Бўз туман прокурори ёрдамчиси У.Низомидин, жабрланувчи [REDACTED], судланувчи [REDACTED] ва унинг хим [REDACTED] “НІМОУА” адвокатлик фирмаси адвокати Т.Тожибоевнинг иштирокида Ниша [REDACTED] з Айбек Талиповичга нисбатан 1-1706-1901/35-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. [REDACTED] атларига кўра:

[REDACTED] куні Андижон вилояти, Андижон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, 3 нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта, ишсиз, судланмаган, Андижон вилояти, Андижон шаҳри, [REDACTED] истиқомат қилувчи, иш бўйича шахсий кафилик қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 22 июль куні олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчини, жабрланувчини ва гувоҳни кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, куйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

[REDACTED] 2019 йил 14 май куні соат 16⁰⁰ ларда Андижон шаҳар, [REDACTED] уй олдида акаси [REDACTED] билан Андижон шаҳар [REDACTED] уй масаласи бўйича олдиндан ўрталарида бўлган хусумат юзасидан жанжаллашиб, ерда бўлган тош билан [REDACTED] ни бош ва чап елка қисмига бир неча маротаба уриб, тан жароҳати етказган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2019 йил 25 май кунги 2206-сонли хулосасига кўра, [REDACTED] га соғлиғини қисқа муддатга бузилишига сабаб бўлган “Енгил” даражадаги тан жароҳати етказилгани аниқланган.

Судланувчи [REDACTED] судда, айбига қисман иқроп бўлиб, у Андижон шаҳри, [REDACTED] уйда яшашини, 2019 йил 14 май куні соат 16⁰⁰ ларда кўчага набирасини олиб чиқиб турган вақтида акаси [REDACTED] ўзининг бошқарувидаги машинасида уларнинг кўчаларидан ўтиб, дўсти [REDACTED] нинг олдида тўхтаб, у билан сўрашиб турган вақтида у акасига унинг Андижон шаҳар [REDACTED] уйини бўшатиб қўйишини сўраганида унга акаси судга беришини айтиб, уни туртиб юборганини, шу пайт уни қўлида набираси бор бўлганини, набирасини қўйиб олдида борганидан уни қўлидан ушлаб, машинасига юзини теккизганини, сўнг бошини ерга эгиб урганини, у ўзини эплай олмай, бош қисми ерга эгилган ҳолда ерда бўлган тошни олиб, акасини кўрмаган ҳолда уни тош билан бир икки маротаба урганини, тош аканинг қаерларига текканини кўрмаганини, акаси уни ҳам урганини, лекин у ариза қилмаганини, орадан вақт ўтганидан сўнг унга етказилган жароҳатлар йўқолиб кетганини, уни дастлаб акаси урганини, шу сабабли ҳам у акасини тош билан урганини, уларнинг жанжаллари 25 йилдан буён давом этишини, акаси унинг уйига кириб олганини, акаси билан уй муаммоси борлигини, шу сабабли улар ярашишмаслигини, 25 йил мобайнида акаси билан 2 ёки 3 маротаба юз кўришганини баён қилиб кўрсатув берди.

Жабрланувчи [REDACTED] судда, [REDACTED] укаси бўлишини, 2019 йил 14 май куні [REDACTED] тарафга ўзининг ишлари билан борган вақтида, укасининг уйи олдида ўтиб кетаётган, ўша маҳаллада яшовчи дўсти [REDACTED] ни учратиб қолганини, у

Protected by PDF Anti-Copy Free
Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark

билан саломлашиш мақсадида унинг олдига бошқарувидаги автомашинада келиб тўхтаб, дўсти билан гаплашиб турган пайт укаси ҳам набирасини кўтариб кўчага чиқиб турган бўлганини, шунда укаси унинг турмуш кўлиб, уни бўлгачи бўйиши айтиб, уни олдига келиб, у билан жанжаллашиб кетиб, уни бошига ва баданини бошқа жойларига тош билан урганини, уни боши ёрилиб кетганини, укасини угли ва турмуш ўртоғи чиқиб ушлаб қолганини, уни эса кичик укаси қасотқонага олиб кетганини, уларнинг ўртасида Андижон шаҳридаги Андижон шаҳар [REDACTED] масаласи бўйича жанжал анчадан буён давом этиб келаётганини, шу сабаб [REDACTED] яраша олмаслигини, онасининг вафотидан сўнг уларни жанжаллари тўхтамаётгани [REDACTED] ундан кечирим ҳам сўрамаганини, агар ундан кечирим сўраганида уни кечирishi [REDACTED] лигини, шу сабабли укасига нисбатан қонуний жазо тайинлашни баён қилиб кўрсатув берди.

Гувоҳ [REDACTED] судда, [REDACTED] ва [REDACTED] лар амакилари бўлишини, 2019 йил 14 май куни уйда бўлган вақтида уни синглиси уйғотиб кўчада жанжал бўлаётганини айтганини, у кўчага югуриб чиққан вақтида амакиси [REDACTED] ни боши қон бўлган ҳолда кўрганини, у жанжални кўрмаганини, кейинчалик амакилари ўзаро жанжаллашиб уришишганини билганини баён қилиб кўрсатув берди.

Суд давлат айбловчисининг хулосасини, жабрланувчи [REDACTED], судланувчи [REDACTED] нинг кўрсатувларини, химоячи [REDACTED] нинг фикрини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, [REDACTED] нинг жиноят содир этганликдаги айби, унинг ўзини айбига қисман иқрор бўлиб берган кўрсатуви, жабрланувчини кўрсатуви, гувоҳларнинг сўроқ баённомалари ва сўроқ кўрсатувлари, суд тиббий экспертизаси хулосаси ҳамда ишдаги бошқа ҳужжатлар билан исботланган деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан [REDACTED] нинг содир этилаётган пайтда жабрланувчига қисқа муддатга соғлиғини бузилишига сабаб бўлган, соғлиқнинг узок вақт, яъни олти кундан кўпроқ, лекин йигирма бир кундан озроқ даврда ёмонлашувига сабаб бўлган қасддан баданга енгил шикаст етказишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи [REDACTED] га жазо тайинлашда, айбига қисман иқрорлигини, унинг оилавий шароитини, муқаддам судланмаганлигини, оилали бўлиб, қарамоғида фарзандлари борлигини, оиласини боқувчиси эканлигини, ёшини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, жиноятни паст ниятларда содир этганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топади.

Суд, судланувчи [REDACTED] га нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 8-моддасидаги “Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилонга бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги” ҳақидаги нормаларга амал қилиб, шахсини, айбига қисман иқрорлигини, оилавий шароитини, оилали бўлиб, қарамоғида фарзандлари борлигини, муқаддам судланмаганлигини, ёшини, оилада боқувчи эканлигини, жиноят содир этишдаги мотив ва мақсадларини инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, у айбли деб топилаётган Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми санкцияси доирасида назарда тутилган жарима жазосини энг кам қисмидан ҳам камроқ миқдорда жарима жазосини тайинлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Шунингдек, суд жабрланувчи [REDACTED] томонидан унга етказилган моддий ва маънавий зарар юзасидан судга даъво аризаси келтирилмаганини инобатга олиб, мазкур масала юзасидан жабрланувчига судланувчи [REDACTED] нинг яшаш жойи бўйича фуқаролик суд тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 462,465-468, 471-474-моддаларига амал қилиб, суд

Protected by PDF Anti-Copy Free

Х У К М К И Л Д И:
(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси билан айбли деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, энг кам ойлик иш ҳақи миқдори 15 баравари, яъни 3.040.950 сўм миқдорида жарима жазоси тайинлансин ва давлат фойдасига ундирилсин.

Судланувчи га нисбатан қўлланилган шахсий кафиллик эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Жабрланувчи га унга етказилган моддий ва маънавий зарарлар юзасидан керакли ҳужжатларни тўплаб, фуқаролик суд тартибда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят судининг апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят суди кассация инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:имзо

Ҳукм нусхаси аслига тўғри: